

PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS: MODERN APPROACHES AND STRUCTURE OF PROFESSIONAL COMPETENCE

Mallaev Ravshan Koziboevich

Teacher of the "Informatics and its Teaching Methodology" Department

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

ABSTRACT

In the article, the goal of the education based on the competence approach is to make the student a well-rounded person who can think comprehensively and communicate, and who can use the knowledge, skills and abilities acquired in the educational process in his personal, professional and social activities.

Keywords: competence, competence approach, professional qualities, individual, skills and competence, independent.

ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК СТРУКТУРАСИ

Маллаев Равшан Қўзибоевич

“Информатика ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада компетенциявий ёндашувга асосланган таълимдан мақсад ўқувчини кенг қамровли фикр-мулоҳаза юритадиган ва мулоқотга кириша оладиган, таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида қўллай оладиган баркамол шахс қилиб етиштириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Таянч сўзлар: компетентлик, компетенциявий ёндашув, касбий сифатлар, индивидуал, кўникма ва малака, мустақил.

АННОТАЦИЯ

В статье цель обучения на основе компетентностного подхода состоит в том, чтобы сделать из учащегося всесторонне развитую личность, способную комплексно мыслить и общаться, умеющую использовать полученные в образовательном процессе знания, умения и навыки в своей личной, профессиональная и общественная деятельность.

Ключевые слова: компетентность, компетентностный подход, профессиональные качества, личность, навыки и компетентность, самостоятельность.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

ПФ-4947-сонли Фармонининг Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўлимида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” вазифаси қўйилган бўлиб, уни амалга оширишда замонавий талаблар асосида информатика фанини ривожлантириш ҳамда қизиқишларини оширишнинг мазмун моҳиятини очиб бериш лозим [1].

Педагогик Олий таълим муассасаларида информатика ўқитувчиларини умумкасбий ва методик тайёрлаш бизнинг тадқиқотимиз объекти ҳисобланади, ва А.Г.Мордкович, Э.И.Кузнецов, М.В.Швецкий, М.П.Лапчик, С.Д.Қарақозов каби бошқа олимларнинг тадқиқотларига кўра, ҳамда олий касбий таълим давлат стандартларига кўра, ўқитувчини касбга тайёрлаш: психологик-педагогик, методик ва махсус каби уч йўналишда амалга оширилади. Шунинг учун бизнинг тадқиқотимизда бўлажак информатика ўқитувчиси фаолиятининг калит, базавий ва махсус вазифаларини ажратиб олиш қулайроқ, ва уларни самарали ечиш учун зарур билимлар, малакалар, кўникмалар, муносабатлар ва шахсий сифатларни ажратиб кўрсатиш мумкин [4,5]. Демак, биз мутахассиснинг касбий компетентлигининг шаклланишини калит, базавий ва фан махсус компетентликларни мотивацион соҳаси даражасида, касбий вазифаларни ечиш учун талаб қилинадиган билимлар, малакалар, кўникмалар, хулқ-атвор усуллари, шахсий тажриба ва сифатлар даражасида босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш орқали тасвирлайдиган ёндашувга риоя қиламиз [3].

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим бу - ўқувчи ўқув жараёнида эгаллайдиган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида қўллаш олиш нуқтаи назаридан бериладиган таълимдир. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимдан мақсад талабани кенг қамровли фикр-мулоҳаза юритадиган ва мулоқотга кириша оладиган, таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида қўллаш оладиган баркамол шахс қилиб етиштиришдир. Умумтаълим мактаблари олдида, бир томондан, теварак-атрофда содир бўлаётган жараёнларни тўғри тушунадиган, иккинчи томондан, жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ўз ижобий таъсирини ўткази оладиган ҳар томонлама зиёли шахсни тарбиялаш вазифаси қўйилмоқда [5,6].

Бошидан “компетентликлар” деб таъриф берилган, фаолият ибтидоси ва хулқ-атвор аспектини ўз ичига оладиган ва шу сабабли, осонлик билан ўлчаса бўладиган, АҚШ педагогикасида кўпинча унинг ўрнига “proficiency” (худди ўша фаолият-хулқ атвор аспектини ўз ичига олган самадорлик тавсифи), “capacity” (у ёки бошқа амални бажара олиш қобилияти), “performance” (хулқ-атвор, амал қилиш) атамалари билан алмаштириб бериладиган билимлар, малакалар ва кўникмалар. Компетентликка асосланган ёндашув асосида ўқитиш шунингдек хулқ-атвор/бажарувчанлик/амал (performance-based education) асосида ўқитиш ёки муайян хулқ-атвор натижасига қаратилган ўқитиш (outcome-based education) деб ҳам талқин қилинади. Бу борада М.В.Болин ва бошқа тадқиқотчиларнинг расмий нуқтаи назари мавжуд. Унга кўра, ўқитишнинг ушбу уч тури бир хил ҳисобланади, ва уларни бошланғич методологик муносабатнинг (бихевиоризм, прагматизм, неопрагматизм, неолиберализм) муштараклиги, таълим мазмунини муайян ташхис қилса бўладиган қисмлар асосида қуриш; ўқитишнинг тегишли приёмлари, тегишли инструментари ва баҳолаш методикасини танлаш бирлаштиради [8].

Р.Б.Ярматовнинг таъкидлашича “Ўқитувчининг тадқиқотчилик касбий компетентлигининг асосий компонентлари орасида тадқиқотчилик компоненти алоҳида ўрин эгаллайди” [9].

Умуман педагогик касб учун баъзи базавий компетентликлар муайян фаннинг спецификасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган бўлса, уларни шу фан ўқитувчиси учун махсус деб ҳисоблаш мумкин. Демак, тарбия вазифаларини ечиш педагог учун базавий ҳисобланган компетентликка киради, бироқ уларни информатика дарсида фанга ўқитиш орқали амалга ошириш – бўлажак информатика ўқитувчисининг алоҳида махсус компетентлигидир. Шу билан бирга, ўқитувчининг муайян соҳа касбий вазифаларини ечишдаги махсус компетентлигини билимлар ёки фаолиятнинг ушбу соҳаси ичидаги калит, базавий ва махсус компетентликларнинг таркибий қисми деб қараш мумкин.

Чиқарилган хулосаларни ҳисобга олган ҳолда, биз педагогнинг касбий фаолиятнинг муайян соҳасидаги калит, базавий ва махсус компетентликлари йиғиндисини унинг ушбу фаолиятга касбий тайёрлиги сифатида ўрганамиз (1-жадвал).

1-жадвал Педагогнинг муайян соҳасада касбий фаолиятга тайёрлиги

Тайёрлик компонентлари	Билимлар ва фаолиятнинг муайян соҳасида вазифаларни ечишда касбий компетентлик		
	Калит	Базавий	Махсус
Психологик	Информатика соҳасида психологик билим	Информатика соҳасида педагогик билим	Информатика соҳасида умумпедагогик билим
Илмий-назарий	Ўқув фани соҳасида назарий билим	Ўқув фани соҳасида илмий билим	Ўқув фани соҳасида методик билим
Операцион-технологик	Фан соҳасида бошланғич амалий билим	Фан соҳасида фундаментал амалий билим	Фан соҳасида чуқурлаштирилган амалий билим

Бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий компетентликларини шакллантиришда кўпчилик олимлар касбга тайёрлаш (касбий таълим) мазмунида компетентликнинг муайян соҳаларини ажратиб кўрсатишади.

Бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий маҳоратининг асосларини шакллантириш: психологик-педагогик, методик ва махсус каби учта йўналиш бўйича амалга оширилади. Улар ўзаро алоқадор, уларнинг бирлиги ва яхлитлиги - талабаларга таълим ва тарбия беришнинг касбий-педагогик йўналтирилганлигининг зарур шартларидир.

Психологик-педагогик йўналиш ҳар қандай ихтисос (фан) ўқитувчисининг калит ва базавий компетентликларини шакллантиришни ўз ичига олади, ва шунинг учун умумпедагогик даражада ишлаб чиқилади.

Методик йўналиш доирасида ўқув фанини мактабда ўқитишга қодир ўқитувчини касбий фаолиятга тайёрлашни таъминлайдиган махсус компетентликлар шакллантирилади.

Республикаимиз, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хориж олимларининг касбга тайёрлаш ва таълимда компетентликка асосланган ёндашувни қўллаш соҳасидаги

қарашларини умумлаштириб, биз илмий тадқиқот ишимиз вазифаларига нисбатан қуйидагиларни ўрганамиз:

- бўлажак информатика ўқитувчисининг муайян соҳадаги касбий фаолиятга тайёрлиги унинг ушбу соҳада психологик, илмий-назарий ва процессуал-технологик компонентларининг шаклланганлигини акс эттирувчи калит, базавий ва махсус компетентликлари йиғиндиси сифатида;

- бўлажак информатика ўқитувчисининг муайян соҳада касбий фаолиятга тайёрлигини шакллантириш ўқув вазифаларини ва ўрганилаётган фан соҳасида ёки фаолият соҳасида ўргатадиган касбий вазифаларни калит, базавий ва махсус компетентликларни ажратиш ва ривожлантириш билан ечишга асосланган жараён сифатида.

Бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёргарлигини ва таълимдан кенг фойдаланиш бир қатор муаммоларни муқаррар равишда янада кучайтиради, улардан асосийси:

- бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий фаолиятида таълимнинг турли моделларини ташкил этиш ва амалга оширишда, шунингдек информатика фанлари ва Компьютер таъминоти фанининг мазмуни ва методик таъминотида ўқув-методик ишланмаларнинг етишмаслиги.

Касбий компоненти танланган соҳанинг ахборот тизимлари, уларда юзага келадиган ахборот жараёнларининг хусусиятлари ва ушбу соҳа учун зарур бўлган ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари билан батафсилроқ танишишни таъминлайди [7]. Касбий курсларнинг мақсадлари кўп жиҳатдан касбий мактабга кираётган таҳсил олувчиларнинг асосий мотиви - университетга киришга тайёргарлик кўриш ва олий касбий маълумот олиш билан белгиланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони
2. Мордкович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте : диссертация ... доктора педагогических наук : 13.00.02. - Москва, 1986. - 355 с.
3. Кузнецов Э И. Общеобразовательные и профессионально-прикладные аспекты изучения информатики и вычислительной техники в педагогическом институте [Текст]: автореф. дис. д-ра пед. наук. - М., 1990. - 38 с.
4. Швецкий М.В. Методическая система фундаментальной подготовки будущих учителей информатики в педагогическом вузе в условиях двухступенчатого образования. Автореф. дисс. д-ра пед. наук. ñ Санкт-Петербург, 1994. ñ 36 с.
5. Лапчик М. П. Структура и методическая система подготовки кадров информа-тизации школы в педагогических вузах [Текст]: дис. ... д-ра пед. наук в форме на-учного доклада. - М., 1999. - 82 с.
6. Каракозов С. Д. Информационная культура в контексте общей теории культуры личности // Педагогическая информатика. - 2000. - № 2. - С. 41-55. Каракозов С Д.

7. Akhmedov, B. A., Askarova, M. R., Xudayqulova, F. B., Tojiboeva, G. R., Artikova, N. S., Urinova, N. S., ... & Omonova, S. M. (2022). Pedagogical science education management in teaching science of pedagogical sciences. *Uzbek Scholar Journal*, 10, 529-537.
8. Дорофеев Г.В., Кузнецова П.В., Суворова С.Б., Фирсов В.В. Дифференциация в обучении математике // *Математика в школе*. - 1990. - № 4. - С. 15-20.
9. Болина М.В. Формирование социокультурной компетентности будущего учителя текст.: дис. .канд.пед.наук / М.В. Болина. — Челябинск, 2000. 165с.
10. Ярмагов Р.Б. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш. Пед.фанлари доктори диссертация автореферати. Т., 2021 йил. 30-бет.